ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 6 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1514-1519

ЁЗМА НУТҚ МАДАНИЯТИДА ЛЕКСИК ВА СЕМАНТИК БИРЛИКЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ ЧЕКЛАНИШИ

Дилдор Бахтияровна Отажонова
Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Чирчиқ давлат педагогика институти

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада адабий тил меъёрлари воситасида ижтимоий чекланишларнинг инглиз тили матнларида намоён бўлиши ва уларнинг таржима матнларида аслиймонанд акс эттирилиши таҳлиллар орқали аниқланган.

Калит сўзлар: ижтимоий чекланиш, таржима меъёрлари, адабий меъёрлар, нутқ маданияти.

SOCIAL LIMITATION OF LEXICAL AND SEMANTIC UNITS IN WRITTEN SPEECH CULTURE

ABSTRACT

In this paper, the manifestations of social constraints in English texts through literary language norms and their reflection in translated texts have been identified through analyses.

Keywords: social limit, norms of translation, norms of literary language, speech culture.

КИРИШ

Адабий тил эволюциясини аниқлашда тил ривожланишининг ҳар бир босқичидаги фонетик, морфологик, синтактик ва лексик хусусиятлардаги динамика муҳим аҳамиятга эга бўлишига қарамасдан, бир даврдан иккинчи даврга ўтиш маълум ижтимоий ўзгаришлар, инқилоблар, марказлашган давлатларининг юзага келиши ёки емирилиши, мамлакатда фан, маданият, техника, санъат ва бошқа соҳаларнинг ривожланиши, шунингдек, халқларнинг миграцияси, интеграцияси ва дифференциацияси каби ижтимоий-сиёсий ҳамда тарихий ҳодисалар билан ҳам алоқадордир. Ёзма нутқда ижтимоий фарқларни кўрсатувчи омилларни аниқлаш осон кечади. Асар қаҳрамони нутқида ижтимоий фарқланувчи хусусиятлар намоён бўлади. Стиль доирасида шахсий қарашларининг пайдо бўлиши ижтимоий фарқланиш мавжудлигини кўрсатади.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1514-1519

Шундай қарашларнинг матнида ифодаланиши, яъни сленг, жаргон ва диалектнинг қўлланилиши муаллифнинг маълум бир ижтимоий гуруҳга тегишли эканлигидан дарак беради. Таржимон матнда қўлланилган диалектларининг мақсади ва вазифасини ўрганган ҳолда таржимани амалга оширса мақсадга мувофиқдир.

Асар қаҳрамонининг нутқий фаолиятини чуқур ўрганиш матн мазмунини янада ойдинлаштирибгина қолмай, таржима жараёнини жадаллашишига олиб келади.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Тил ўзаро ва ижтимоий муносабатлар нуқтаи назарида ҳар хилликни касб этади ва шунингдек у барча соҳаларда ўзгариб боради. Масалан, турли ёшдаги кишилар нутқидаги фарқлар, айниқса, ёш боланинг катта ёшлилар ёки аёлнинг эркак нутқидан фарқланиши. Маълум бир синфга тегишли бўлиш, ижтимоий келиб чиқиш, инсон ўсиб – улғаядиган муҳит қуйидаги хусусиятларни шаклланишига олиб келади:

1) касбга хос лексик тизимни;
2) маълум бир гуруҳ ёки корпорацияга оид жаргонлар;
3) ҳеч қайси синфга кирмайдиган жаргонлар;
4) ўзаро қабул қилинган шартли тиллар.

Юқорида санаб ўтилган хусусиятлар шахс ҳақида батафсил ёки қисман маълумот беради.

Тил воситаси орқали мулоқот қилиб, фикрни бошқаларга етказиш жараёни деганда фикрлар алмашинуви тушунилади. Шу сабабли ҳам фикрнинг содда ва тушунарлилиги муҳим аҳамият касб этади. Сўзловчининг фикри қанчалик муҳим ва ягона бўлмасин, тингловчи учун тушунарли тилда баён этилмаса, у аҳамиятсизлигича қолаверади. Муаммо шундаки, сўзловчи фикрини баён этиши ва тингловчига тўлиқ етказиши учун уларга тушунарли бўлган меъёр танланиши керак. Шахс лексиконини ташкил этувчи сўзлар барча доирага оид бўлсагина, у ўзи хоҳлаган мавзуда суҳбатлаша олади. Маълум бир жабҳада фаолият юритиш фақат шу соҳага тегишли бўлган терминларни нутқда қўллаш билан киши нутқининг ижтимоий чекланишига олиб келади.

Маълумки, эркак ва аёл, ёш ва қари кишилар нутқида ҳам маълум бир чекланишлар мавжуд. Демак, ижтимоий белгилар, яъни киши ёши, маълумоти, ижтимоий муҳити, синфи ва бошқа сабабларга кўра нутқда қўлланиладиган сўзлар маълум бир доирага тушиб қолади. Илмий услубга хос бўлган

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1514-1519

маълумотни етказишда сўзлашув ёки оммабоп услубга оид бўлган лексик бирликлар қўлланилмайди. Кишилар ўртасидаги ўзаро муносабатлар ҳам муҳим роль ўйнайди. Масалан, аёл киши эрига иккинчи шахс бирликда (сен) мурожаат қилмайди. Сабаби унинг ижтимоий ҳолати ҳамда жамиятдаги тутган ўрни нутқидаги лексик-семантик бирликларнинг учинчи шахс кўпликда (сиз) мурожаат қилиши билан чекланишини тақозо этади. Фикримизга ойдинлик киритиш мақсадида Артур Конан Дойлнинг “Тўртлар белгиси” (“The Sign of Four” by Arthur Conan Doyle, “Знак четырех” перевод М. Литвиновой) номли қиссасидан келтирилган матн ва унинг рус ҳамда инглиз тили таржималарига мурожаат қиламиз:

“*I appreciate their importance. Here is my monograph upon the* ***tracing of footsteps (1)****,* ***with some remarks upon the uses of plaster of Paris as a preserver of impresses*** *(2).* ***Here, too, is a curious little work upon the influence of a trade upon the form of the hand, with lithotypes of the hands of slaters, sailors, corkcutters, compositors, weavers, and diamond-polishers*** *(3). That is a matter of great practical interest to the scientific detective –* ***especially in cases of unclaimed bodies, or in discovering the antecedents of criminals*** *(4). But I weary you with my hobby.”*

Рус тили таржимаси:

“- Просто я понимаю их важность. Или вот еще работа об ***отпечатках следов*** *(1),* ***в ней говорится об использовании гипса для сохранения отпечатка*** *(2).* ***Одно небольшое исследование посвящено влиянию профессий на форму руки, в ней даны литографии рук кровельщика, моряка, пробочника, композитора, ткача и шлифовальщика алмазов*** *(3). Это исследование представляет собой большой практический интерес для детектива, относящегося к своей профессии как к науке.* ***Оно особенно полезно, когда нужно опознать труп или определить занятие преступника*** *(4). Но я вижу, что злоупотребляю вашим терпением, оседлав любимого конька.”*

Ўзбек тили таржима матни:

“- *Шунчаки уларнинг муҳимлигини тушунаман. Ёки* ***оёқ излари*** *(1) тўғрисидаги рисоламни олайлик.* ***Унда ўша изни сақлаб қолиш учун гипсдан фойдаланиш тўғрисида гапирилади*** *(2).* ***Кичик бир тадқиқот касбнинг қўл шаклига таъсирига бағишланган, унда тунукачи, денгизчи, композитор, тўқувчи ва олмос пардозловчи қўлларнинг литографияси берилган*** *(3). Бу тадқиқот ўз касбини фан, илм деб билувчи жосус учун катта амалий аҳамиятга эга.* ***Ўликни аниқлаш ёки жиноятчининг нима билан***

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1514-1519

шуғулланишини билиш керак бўлганида бу усул айниқса қўл келади *(4). Лекин кўриб турибман, ўзим билган, яхши кўрган нарсам ҳақида кўп гапириб, сабр – чидамингизни суистеъмол қиляпман."*

Матнда белгилаб кўрсатилган қуйидаги ибора ва гаплар нутқ эгасининг ўқимишли; биология, кимё ва физика фанларининг билимдони эканлигидан ва қолаверса, унинг суҳбатдоши оддий шахс учун тушарсиз бўлган тушунчалардан воқиф дарак беради:

- *"tracing of footsteps – отпечатках следов – оёқ излари (1)*
- *with some remarks upon the uses of plaster of Paris as a preserver of impresses – в ней говорится об использовании гипса для сохранения отпечатка. – Унда ўша изни сақлаб қолиш учун гипсдан фойдаланиш тўғрисида гапирилади (2).*
- *Here, too, is a curious little work upon the influence of a trade upon the form of the hand, with lithotypes of the hands of slaters, sailors, corkcutters, compositors, weavers, and diamond-polishers. – Одно небольшое исследование посвящено влиянию профессий на форму руки, в ней даны литографии рук кровельщика, моряка, пробочника, композитора, ткача и шлифовальщика алмазов. – Кичик бир тадқиқот касбнинг қўл шаклига таъсирига бағишланган, унда тунукачи, денгизчи, композитор, тўқувчи ва олмос пардозловчи қўлларнинг литографияси берилган (3).*
- *especially in cases of unclaimed bodies, or in discovering the antecedents of criminals. – Оно особенно полезно, когда нужно опознать труп или определить занятие преступника. – Ўликни аниқлаш ёки жиноятчининг нима билан шуғулланишини билиш керак бўлганида бу усул айниқса қўл келади (4)".*

МУХОКАМА

Инглиз тили матни рус ва ўзбек тилига тўғри таржима қилинган бўлиб, аслиятдаги айрим сўзлар рус ва ўзбек тили таржима матнларида тушириб қолдирилган, масалан, **Paris** сўзи. Шунга қарамасдан таржима матнларида аслиятда тасвирланган маълумот тўлиқ ифодаланган. Шерлок Холмс илмий, адабий ва сўзлашув услубига хос бўлган сўзлардан оқилона фойдалана олган. Унинг изқуварлик касби турли ижтимоий келиб чиқишга эга бўлган барча синф ва касб вакиллари билан муваффақиятли мулоқот ўрната олади.

Юқорида келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, инсон нутқи унинг касби, ижтимоий келиб чиқиши, синфи, яшаш тарзи, атрофидагиларга

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1514-1519

боғлиқ тарзда ривожланиб шаклланади. Шу сабабли унинг нутқидаги сўзлар кенг ёки тор доирада намоён бўлади. Асл матндаги асар қаҳрамони ҳақидаги маълумотларни тўлиқ ва тушунарли тарзда етказиш таржимоннинг маҳоратига боғлиқдир. Маълум бир таржимани амалга оширишда бир томонлама ҳаракат қилиш, яъни аниқ бир усул танланиши керак. Масалан, матн қирилишининг тил даражалари, стилистик даража, семантика, товушларнинг қурилишига эътибор бериб, уларни қолиплаш лозим. Ушбу маълумотлардан хабардор бўлгандан сўнггина, алоҳида мезон кўрсаткичларини солиштириш асосида таржиманинг комплекс моделини яратишга киришиш мумкин. Бироқ сўзлар турли маъно ва келиб чиқиш тарихига эга бўлганлиги боис, уларни маълум бир қолипга солиш мураккаб.

ХУЛОСА

Матннинг алоҳида даражаларга бўлиб, уни тасвирлаш таржимани, ҳаттоки интерпретацияни ифодаламайди. Танланган усул бебаҳо натижани кўрсатиши учун матн қурилишидаги бошқа даражаларнинг вазифасига эътибор қаратиш лозим. Асл матнни ўрганишда тўпланган маълумотлардан таржима матни грамматикасини ифодалашда фойдаланилади. Доим ҳам кутилган натижага эришиб бўлмайди. Негаки айрим ҳолларда таржима жараёни мураккаб тус олади. Таржима шеърий, гап ёки сўзма – сўз тарзда амалга оширилади. Бошқа турдаги таржималар фақат лексик даражада таржима қилинади. Ҳар қайси ҳолатда ҳам таржиманинг амалга ошиш даражасини ўрганиш – бу стилистик ўзгаришларнинг тил характеристикаси матн яратишда таржимон фаолиятини тадқиқ этиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Таржимоннинг вазифаси ҳар қандай мураккаб жараёнда ҳам таржима матнидаги сўзларни ўқувчига тушунарли бўлган, ўша лексема мазмунини ифодаловчи сўзлар билан алмаштиришдан иборат.

REFERENCES

1. Бэн А. Стилистика и теория устной и письменной речи. Пер. с англ. А.Е. Грузинского. – М.: URSS: ЛИБРОКОМ, 2011. –309 с.
2. Biber Douglas. Variation across Speech and Writing. – New York: Cambridge University Press, 1992. – 382 p.
3. Головин Б.Н. Основы культуры речи. – М.: Высшая школа, 1980. – 335 с.
4. Otazhonova, D. B. (2016). The Importance Of Etymological Dictionaries In Identifying The Norms Of Written Speech (On The Basis Of “The Hound Of The

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1514-1519

Baskervilles" By Arthur Conan Doyle And Its Translations In Russian And Uzbek). Theoretical & Applied Science, (12), 88-93.
5. Otajonova D. (2020) Sociolinguistic Factors in EFL Classes. International Engineering Journal for Research and Development. 5(3), 51-57.
6. Otojonova, N. B., & Otojonova, D. B. (2020). The Role of Differential Equations in Physical Exercise. Pedagogy & Psychology. Theory and practice, 4(30), 26-30.
7. Khoshimova D., Otajonova D. & Khaldarchayeva G. (2020) Modern technologies in teaching foreign languages. Academic Research in Educational Sciences. 1(3), 504-508.
8. Ruzmetova, M., Otajonova, D., & Babadjanova, N. (2021). CONSIDERATIONS ON UNDERSTANDING THE MEANING OF A WORD. ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES, 2(2), 1238-1242.
9. Ruzmatova, M. A. (2020). IMPROVING SPEAKING SKILLS IN FOREIGN LANGUAGE AT SECONDARY SCHOOL EDUCATIONAL SYSTEM. Science and Education, 1(5), 47-51.